



“ЎТКАН КУНЛАР”ГА ЯНГИЧА НАЗАР

Улуг ўзбек адиби Абдулла Кодирийнинг “Ўткан кунлар” романи кейинги давр ўзбек адабиётидаги оламшумул воеа бўлди ва бир мунаккид таъбири билан айтганда, Кодирийгача бундай романни хеч ким ёзмаган эди ва шундан кейин хам хозиргача бундай асар ёзилганича йўқ. Ёзувчи ўта камтарлик билан “Ўткан кунлар”ни “янги замон рўмончилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўгриси бир хавасдир” деб атаган бўлса-да, мазкур роман хозиргача бадиияти, хаётийлиги, каҳрамонларининг бетакрорлиги билан миллионлаб ўкувчиларни хайратга солиб, ўйга толдириб, ром этиб келяпти.

Романнинг бош гояси, мавзуи ва асосий каҳрамонлари хакида кўб ва хўб фикр билдирилган. Филология фанлари докторлари Умарали Норматов ва Баходир Каримовлар “Ўзбекистон миллый энциклопедияси”даги маколаларида шундай ёзишади: “Ўтган кунлар” романининг маъно-мундарижа доираси нихоятда кенг. Унда хилма-хил инсоний такдирлар, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлокий, оиласвий-ишкий муаммолар каламга олинган. Бирок улар орасида юртнинг, миллатнинг такдири, мустакиллиги масаласи алохида ажралиб туради. Бинобарин, эл-юртнинг мустакиллиги, бирлиги масаласи романнинг пафосини ташкил этади. Асарнинг бош каҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек хожилар шу юрт истиклоли, фаровонлиги, осойишталиги йўлига хаётини, жонини тиккан фидойи кишилардир. “Ўтган кунлар” бамисоли улкан ва тиник кўзгу, унда ўзбек миллатининг муайян тарихий шароит, вазиятдаги турмуши, урф-одатлари, руҳий-маънавий дунёси, бўй-басти, киёфаси кенг кўламда аник-равshan гавдалантирилган. Унда Отабек билан Кумушнинг ишкий саргузаштлари, фожиаси жуда катта маҳорат билан тасвир этилган... Муаллиф ошикларнинг ишкий саргузаштлари баҳонасида муайян тарихий даврни – Туркистоннинг рус боскини арафасидаги ахволи, кора кунларини кўз олдимизда гавдалантиради. Кодирий ишкий саргузаштлар кўринишида ўлканинг туткунликка тушишининг бош сабаби жаҳолат, колоклик ва ўзаро ички низолардир, деган фикрни гоят усталик билан айтади. Абдулла Кодирийнинг тарихий романлари 20-йиллардаги янги ўзбек адабиёти олдида турган мураккаб гоявий-бадиий муаммоларнинг жуда кўпини ечиб бериб, адабий тараккиётнинг тезланишига хизмат этди” (“Ўзбекистон миллый энциклопедияси”, Тошкент, “ЎзМЭ” илмий нашриёти, 2000 йил, 23-бет).

Яна бир машхур олимимиз Наим Каримов асарнинг асосий гояси хакида шундай фикр айтади: “Шу нарса ажойибки, Отабек олдида турган тўсик унинг баҳтига чанг солмокчи бўлган кузгун факат Хомиддангина иборат эмас. Бу тўсик канчалик маккорона тус олмасин, Отабек уни мардона енгиги чиқади. Лекин унинг “ота-она орзуси” деб аталган бошка бир тўсикни хатлаб ўтиши амри маҳол. У шу ерда кокилиб, машаккат билан эришган баҳтидан бир умрга жудо бўлади. Адибнинг бу асарни ёзишдан максади худди шу ерда ўз жамолини кўрсатади. Абдулла Кодирий худди шу ерда ўзбек халкининг сўнгги бир неча аср давомида бошка халкларга нисбатан оркада колиши ва мустамлака исканжасига тушишининг сабабларини очиб ташлайди. Бу унинг, ўзбек халкининг, биринчи навбатда махаллийчилик, ўзаро хасад ва низо иклимида нафас олиши, чирик урф-одатлар ичидаги ўралашиб колиши, хатто янги тарихий даврлар келганини, мамлакат чегарасида мустамлакачилар шайланиб турганини билмай-сезмай гафлатда яшашдир!” (Наим Каримов. “XX аср адабиёти манзаралари”, Тошкент, Ўзбекистон” нашриёти, 2008 йил, 171-бет).

“Мен бу романдан ўз замони фожиаларига карши онгли курашган окил оталар (Юсуфбек хожи) ва доно фарзандлар (Отабек) сиймоларини кўраман. Юсуфбек хожидаги элнинг бугунги ва эртанги кисматини мукаммал идрок этиш, кечаётган тарихий жараённи теран тахлил этиш ва ягона тўгри йўлни кўрсата билиш кудрати бу образга алоҳида салобат ва тафаккур кудратини баҳш этган” деб ёзади филология фанлари номзоди Вахоб Рахмонов ўзининг Абдулла Кодирий романларининг 1992 йилги нашрига ёзган “сўнгсўзи”да.

Юкоридаги атокли олимларнинг фикрларига хеч кандай эътиroz ёки раддия билдиримаган холда роман мавзуи ва гоясига оид ўзимизда тугилган айрим мулоҳазалар билан ўртоклашмокчи бўлдик. Назаримизда, Абдулла Кодирий ўз асарида юкоридаги фикрлардан ташкари яна бир муҳим жихатни ўкувчига етказишни, нуктадон китобхон фикрини шунга каратишни ният килганга ўхшайди. Бу фикрни далиллаш учун эса романдан бир неча мисолларни кайтадан эслатишнинг ўзи кифоя (Ушбу тадқикотга “Ўткан кунлар”нинг 1926 йилги ва “Мехробдан чаён”нинг 1929 йилги илк нашрлари асосида 1992 йили Тошкентдаги Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида чоп этилган нашр асос килиб олинди ва бундан кейин “ўша манба” деб берилади. Иктибослардаги кавс ичига олинган изохларни макола муаллифи киритган).

Асарнинг бosh каҳрамони Отабек Юсуфбек хожидай юрт оғасининг, имонли, эътиқодли, такволи, умрини мусулмонлар манфаатига баҳшида килган фидоий бир инсоннинг хонадонида улгайган. У мадрасада диний билим хам олган. Ислом динининг савоб ва гунох, халол ва харом борасидаги кўрсатмаларидан яхши хабардор. Романга мурожаат киламиз: “Акрам хожининг “Ўзи ўкигонми?” деган саволига мактовлар билан терисига сигмай кетган Хасанали жавоб берди: Тошканд Беглар беги мадрасасининг пешкадам муллабаччаларидан эди. Хўжамиз мадрасадан олиб, савдо ишига кўйдилар” (ўша манба, 18-бет). Отабек мадраса кўрган, ок-корани таниган йигит эса-да, асар давомида солих бир инсондан гунохни енгил санайдиган фожир кимсага айлана боради. Унинг солих фарзандга хос бўлмаган катта хатоларидан бири шуки, Кумушни севиб колгач, бундан ота-онани викиф килиш, розликлари ва дуоларини олиш ўрнига хизматкор Хасаналини совчиликка юбориш билан кифояланади. “Хотинларингиз ўртасидаadolat килинг” деган илохий амрга карши ўларок иккинчи хотини Зайнабга ўта бепарволик, кўрслик билан мумомала килади, кўп ишлардаadolatcizlik ва зулм кўрсатади. Хатто буни ота-онага нисбатан норозилик, исён сифатида килаёттганини хам яширмайди: “Келинингиз мендан

яхшилик кўрмас, демаганми эдим? Сиз билан отам бунга кўнмаганми эдингиз, сиз буни инкор киласизми?” (ўша манба, 165-бет). Бошига кулфат тушиши билан тадбир-чора топиш ўрнига ичкиликка рўжу кўяди. Бўлиб ўтган ишларда ота-онага ноҳак маломат кила бошлайди. Нима сабабдан эканидан катъи назар, охири котилликка кўл уришгача хам боради.

Китобни ўқиганингиз сайин шу тарика Отабек ва Кумуш, Юсуфбек хожи ва Ўзбек ойим, Хомид ва Уста Алим каби романнинг асосий қаҳрамонлари томонидан шариат ахкомларининг кўпол поймол килинишига, хатто Аллоҳ фарз килган амалларнинг тарк этилганига, харом саналган улкан гунохларга бемалол кўл урилганига гувоҳ бўласиз. Сўзимиз курук бўлмаслиги учун романдан мисоллар келтиришга ўтамиз.

Асар мусулмонлар хаётидан бўлгани боис, биринчи навбатда уларнинг энг улуг ибодат – намозга бўлган муносабатини олиб кўрайлиқ. Намознинг Исломнинг шиори, мўминни бошқалардан ажратиб турувчи амал эканини, Аллоҳ таоло мусулмонларга имондан кейин намозни фарз килганини, киёматда хам бандалар энг аввало намоздан савол килинишини, намозсиз бошка иш-амаллар кабул килинмаслигини, намозни эса казо килмай вактида ўкиш фарзлигини (мажбурийлигини) мусулмонларга тушунтириб ўтиришнинг зарурати йўқ. Аммо романнинг бир неча жойида асар бош қаҳрамонлари оддий турмуш ташвишлари билан ўралашиб ёки арзимас сабаблар туфайли намозларини осонгина колдириб юборишаверади. Бу хам Ислом шариатини оёкости килиш, Аллоҳнинг амрларини инкор этишдир. Бунга бир неча мисол келтирамиз:

“Кумушбиби бир неча кундан бери совук хаво тегдириб, бош оғриги ва кўз тинишиликка ўхшаш оғриклардан шикоят килиб юрар, шунинг учун онаси “тинч ухласин, ортиқ уринмасин” деб бу кун намозга хам уйготмаган эди” (ўша манба, 25-бет). Ислом шариатида бемор кишининг намозни колдиришига ижозат йўқ, у касаллик туфайли жойнамозда туришга имкони бўлмаса намозни ўтириб ўкийди, бунга хам илож тополмаса ётган холида ишора билан адо этади. Намозни факат аклдан озган мажнунлар, хушдан кетганлар, хайз ва нифосдаги аёлларгина маълум муддатгача колдиришади. Кумушнинг онаси эса оддий шамоллашга чалинган кизини намозга уйготмади.

“Отабек Маргилон келганининг иккинчи куни пойафзал бозорида бўлган эди. Аср намозининг вакти ўтиб борганликдан ул шундаги дўкондорларнинг бирисидан тахорат олиш учун сув сўради... Отабек дўкондорнинг кўрсатишича кутидорнинг ташкарисига кирди. Шу пайт тасодифан нима юмиш биландир меҳмонхонадан чикиб келгучи фариштага кўзи тушди... Кўп кутди, аср намозини казо килиб куч билан кутидор уйидан чикди” (ўша манба, 52-бет). Аср фикхий китобларда “ўрта намоз” дейилади хамда бу намозга ўта эҳтиёт бўлиш ва уни вактидан ўтказиб юбормаслик, яъни казо килмаслик хакида Пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломдан бир неча хадислар ривоят килинган. “Үёк-буёқдан шом азони эшитила бошлаган эди. Маълум отлик кутидорнинг дарбозасида отини тўхтатди-да, ўнг оёгини узангудан узди. Шу вактда шом намозидан колмас(лик) учун шошилишиб кутидор хам йўлакдан чикиб келди. Отини кўчанинг ўртасида колдириб, кайнотаси билан кўришмак учун югирган куяви олдида намозини хам унуткан кутидор даг-даг титраб тўхтаган эди. Кўришмак учун ўзига узатилган кўлни бўш хавода колдириб, дарбозаси ёнига борди. Бундай муомала олдида Отабекнинг кандай холда колиши изохка унча муҳтож бўлмаса керак. Ул турган жойида козикдек кокилиб колган эди. Кутидорнинг олдига юришнида билмас, сўзлашка хам тили келмас эди” (ўша манба, 148-бет). Вокеа шу билан тугайдики, куёвидан каттик хафа бўлган кутидор масжидга бормай, дарвозадан ичкари кириб уни занжирлаб олади, Отабек эса отини шахарнинг

шимолига караб хайдайди. Икковлари хам шом намозини казо килишади.

Висол ишки Отабекни шунчалик паришон этган эдики, у ўкиб турган намозини бузишгача хам боради: “Отабек Хасанали тарафидан тасхир этилгандек, туриб тахорат олди ва меҳмонхонага кириб “тарових” бошлади... Орадан ярим соат чамаси вакт ўткан эди, Хасанали ичкаридан чикиб келди. Отабек эса хануз рукуъда, сужудда эди. “Ўкуб бўлмадингизми?” деб сўради даричадан. Отабек ёнига салом бермасдан унга каради. Бу холга Хасаналининг гулгуси кистаб келса хам, ўзини зўрга тўхтатти” (ўша манба, 258-259-бетлар). Вахоланки, намоздаги одам бошқаларнинг саволига жавоб бермаслиги, ўёқ-буёкка карамаслиги, намозни бузувчи бошка амалларни килмаслиги керак. Куръони каримда бундай дейилган: «Сўнг уларнинг ортидан намозни зое киладиган ва шахватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди улар албатта ёмонликка (ёмон жазога) йўликурлар» (Марям, 59).

Адиб ўз асарида каҳрамонларининг Аллоҳ амрларидан чекиниб, шариат ахкомларини кўпол бузишларини, Аллоҳ харом килган оғир гуноҳларга (гуноҳи кабираларга) кўл уришларини бир неча ўринда кўрсатиб ўтади: “Уста Алим кўлидаги пиёласини култ этиб бўшатди-да, устакори билан аччигланиш сабабини сўзлаб берди: “Мен Хомиднинг кайним Сайфига ёмон кўз билан караб юрганини сал-пал сезиб юрган эдим... Уришатурган кунимизнинг эрталабида Сайфини илгариrok ишқа жўнатдим-да, ўзим нимагадир уриниб кечрок колиб бордим. Дарбозадан киришим илиа ишхона ичидан кимнингдир йиглаб-ёлборган товушини эшитиб ажабсиндим ва ишхона эшигини очиб кирсан, имонсиз Хомид кайнимга зўрлик килиб турган экан. Эшик очилиши билан чўчиб, Сайфини бўшатди-да менга каради” (Ўша манба, 180-бет). Бузук одам бўлган Хомид бир неча хотини бўлатуриб яна бесоколбозлик билан шугулланган, бу мисолда Сайфини зўрламокчи бўлиб турган эди.

Хомиддан порага олган олтинларига учган кўрбошининг тухматини текшириб хам ўтирумай Маргилон хокими ўтаббой күшбегининг икки бегуноҳ – Отабек ва унинг кайнатаси Мирзакарим кутидорни ўлим жазосига хукм килиши, кейин кутилмаганда Кумушнинг мактуб келтириши билангина уларни осилиб кетишдан сўнгги дакикаларда куткариши хам шариат ахкомларининг поймол килиниши эди. Ўша давр хукмдорлари орасида порахўрлик, ёлгон гувоҳлик бериш, бегуноҳ одамларни жазолаш, аксинча хакикий айбдорларни химояга олиш, бузуқлик, ахдга вафо килмаслик каби гуноҳ ва жиноятлар одатий хол эди.

Асар каҳрамонлари турмушда учрайдиган хасад, рашқ ва кўролмаслик, хавоий нафсиға эргашиш каби иллатлар оркасидан оғир жиноятларни килишгача боришади. Булар хам уларнинг исломий ахлок меъёрларидан чекинганларига ишора эди. Хомидбойнинг бошқаларга хасад килиб ва нафсининг сўзига кириб олдин икки хотин устига Кумушни хам кўлга киритиш максадида кутидор ва Отабекни тухмат билан дор остига йўллаши, соҳта хатлар уюштириб, Отабек ва Кумушнинг ширин турмушини бузиши, кейин Кумушга унаштирилган Комилбой исмли йигитни хам хаммомда ўлдиртириб юбориши, нихоят Отабекни хам катл килиш учун имкон ва вакт пойлаб туриши одамларнинг ахлоки накадар чиркинлашиб, издан чикканини кўрсатади.

Кумушни рашқ килган Отабек хам котилликка кўл уради, Хомид ва унинг гумашталарини чаваклаб ўлдиради. Бу ёқда Зайнаб рашқ туфайли шайтон сўзига кириб Кумушга заҳар беради, бир бегуноҳнинг жонига касд килиб, унинг ўлимига сабаб бўлади.

Ёки романда Аллоҳ харом килган ичкилик масаласи кандай ёритилганига эътибор каратайлик. Ўша пайтда диндор оиласларда ичкилик ичиш каттиқ гуноҳ саналган, улар

бундан ўзларини тортишган. Мадраса кўрган йигит Отабек хам хамр ва шаробга мутлако якинлашмаган. Аммо бошига мусибат тушиб, “сохта талок” билан Кумушдан айрилгач, майхўрлик билан овунишни бошлаб юборади: “Уй эгаси илжайган холда хужрага кириб, ўзининг таъбирича май эмас, бир кўзача мавиз (узумдан ясалган май, шароб) олиб чиқди, токчадан пиёла олгач, келиб Отабекнинг ёнига ўлтурди. Мавизни пиёлага чулдиратиб куяр экан, меҳмонга ер остидан мўралаб кулимсираб кўиди. “Сизнинг хам ичканингиз борми?” “Йўк”. Тўгриси хам Отабек ичклиукдан каттиг хазар килар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди. Уй эгаси куйган пиёласини симириб юборгач, сездирмаслик килиб сесканиб кўиди ва: “Аник ичмаганмисиз?” деб яна сўраган эди, Отабек бош чайкаш билан кифояланди” (ўша манба, 152-бет). Шундан кейин кўп ўтмай диккати ошиб турган Отабек уй эгасининг бир-икки кистови билан “пиёлани олишга мажбур бўлди..., пиёлага узок караб турмай ичиб хам юборди... Отабекнинг иккинчи пиёласидан сўнг ошга ўлтурдилар” (ўша манба, 153-бет).

“Тошканднинг Чукур кишлок деган ерида козоклар томонидан очилган ва хамиша рустамнамо кишилар билан айкириб ёткан бўзахоналар хам йўк эмас эди. Беш ойлаб Ок масжид сафарида юриб кеткач, Отабек тўгри шу Чукур кишлок бўзахоналаридан бирига келиб тушкандек бўлди. Уни кундуз кунлари бўзахонада учратиб бўлмаса-да, аммо бўзахонага келмаган кечаси жуда оз эди. Бўзагар Отабекнинг ким боласи эканлигини яхши билгани учун хамма ишни унинг тилагига караб килар, ул келди дегунча оддий бўзахўрлар ёнига ўткузмай ўзининг маҳсус хужрасига олиб кирап, бошкаларга берилатурган лойка бўзадан бермай, бўзанинг гули билан меҳмон килар эди... Бу ўлтурушдан сўнг ул бир ойлаб бўзахонага келмай кетди. Маргилондан кайтиб келгач, яна эски одатида давом эта бошлади” (ўша манба, 172-173-бетлар).

“Отабек ёлгиз меҳмонхонада ётиб кун кечириш билангина колмади. Кечалари аллакаёкларга кетиб, йўколатурган одатлар хам чикарди ва бир-икки кайта ортиқча маст бўлган холда кайтиб, Хасаналини тамоман хайратда колдирди. Ул Отабекка насиҳат килишни хам билмас ва бу сирни биравга айтиш учун хам хайрон эди... Коронгуда занжирни тимискилар экан, “ким?” деб сўради ва жавобига “мммман” деган сархуш товушни эшитди... Занжирни тушуриб, дарбозанинг бир табакасини очиши хамоно шу табакага суялиб турган Отабек Хасаналининг оёги остига йикилиб тушди. Хасанали бу кунги кайфнинг ўтача кетканлигини пайкаган, йўлакни тутиб кеткан ичкулик исидан ўкчиёзган эди” (ўша манба, 165-бет).

Ислом шариати сехр-жоду билан шугулланишдан кайтарган ва сехргар хеч шубхасиз кофиридир, деб таълим берган: “Одамларга сехр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар” (Бакара, 102). Исломда сехргарлик ширкка тенглаштирилади, Аллоҳ таолога ширк келтириш эса улкан гунохлардан, буни килганлар ва ишонганларнинг жазоси дўзахдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху: “Афсун ўкиб дам солиш, тумор такиши, иссик-совук килиш ширкдир”, деганлар (Ибн Хиббон, Хоким ривояти). Аммо Юсуфбек хожидай хамма эргашадиган такводор кишининг хотини Ўзбек ойим ўглини маргилонлик келини сехрлаб кўйган деб астойдил ишонади ва уни хотинидан “совутиш” учун тинимсиз сехр, жоду киладиганларнинг олдига катнайди. Мисолларга мурожаат килайлик: “Айникса унга хозир бутун маъноси билан сир онглашилиб, маргилонликнинг жодусини жуда хам кучлик эканига имон келтирди (!). Ўглининг орзу-хавасини кўрди – кўриш бўлса, орзулагандан ортиқ. Бирок бу орзу-хавас оркасидан кутилган маргилонлик балосидан ўглини куткариш масаласи унинг тилагича бўлиб чикмади-да, яна маргилонликнинг сихри ўткирлик килди... Никоҳ куни Отабекнинг кийимларини жухуд

домладан ўқитишлар, маргилонликдан совутиб, тошкандликка иситишлар – барчаси хам хозир ўз ажзларини унга икрор килар эдилар. Кейинги “беш-бош” домланинг берган тутатки, эзиб ички, дуо ва туморлари хам негадир таъсир асарини сездирмадилар. Ўзбек ойим маргилонликнинг домласини кучлик эканида шубха килмаса хам аммо бир ишка жуда хайрон эди: “жухуднинг килган жодусини – жухуд, мусулмон домланини – мусулмон дафъ кила олур эди; нега булар асар килмайди сира?” – хозир Ўзбек ойим бунинг сиррини ўйлаб тополмас эди. Бу боши берк кўчада хам узок камалиб колмади – бунинг сиррини дафъатан топди, жуда тўгри топди: “Маргилонликнинг домласи жухуд хам эмас, мусулмон хам эмас – хинди! Хиндиларнинг хам ханноси (Худодан кўркмайдигани), бас, ханноснинг сихрини на мусулмон домласи кайтарсину, на жухуд. Ўшал хиндининг ўзи кайтармаса, ўзга илож йўк!” (ўша манба, 127-128-бетлар). Шундан сўнг Ўзбек ойим хизматкори Хасаналини чакириб, унга шундай тайинлайди: “Энди иш Тошканд домлалари билан битатурганга ўхшамайдир... Ўйлаб карасам, маргилонликнинг домласи хинди экан. Шунинг учун ноилож сани олдимга чакиртиридим. Сан хам одам сумол гапимга тушуниб, шу тўгрида аклинг етканча зехнингни югириргин... Ўзингга маълумки, кундан-кунга маргилонликни унутиш ерига хар соат унга эси борадир. Бу холларнинг барчаси ўша хиндининг жодусидан бўлиб, муаккиллар (фаришталар) Отабекнинг бўйнидан сиртмок солиб Маргилонга тортадилар...” (ўша манба, 130-бет).

Фол очиш ва очтириш хам ширкка тенглаштирилган. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анху) ривоят килинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: “Ким башоратчи ёки фолчига борса ва гапларига ишонса, Мухаммадга туширилган нарсани (Куръонни) инкор этибди”, деганлар (Имом Аҳмад ривояти). Аммо Юсуфбек хожидай диндор, такволи одамнинг хонадонида бу иш одатий холга айланган. Сехр-жодулар билан иши битмагач, Ўзбек ойим энди фолбинларга чопа бошлайди, Энг таажжублиси яна шундаки, халкни бидъат-хурофотлардан, фожирликлардан кайташишга масъул бўлган Юсуфбек хожи негадир хотинини бу гуноҳ ишдан ман этмайди. Эҳтимол, бунга “жилов” хотинининг кўлидагилиги сабабдир: “Ўзбек ойим элли беш ёшлар чамалик, чала-думбул табиъатлик бир хотин бўлса хам, аммо эрига ўткирлиги билан машхур эди” (105-бет). Шу думбул хотин икки баобрў эркакни ўз ногорасига ўйнатади, шахсий хаётига аралашиб, уни барбод этади. Шу думбул хотин Юсуфбек хожидай юрт огасини хам писанд этмай, фолбин, жодучиларга чопади. “Бу гал Отабекнинг кутилмаган равишда Маргилондан тез кайтиб келишини Ўзбек ойим ўзининг жухуд домладан килдирган жодусининг хинд сихрининг енгланлиги, деб суюнган эди. Бирок Отабекнинг кўписинча меҳмонхонада ётиб колиши уни бу тўгрида шубхага тушириб кўйган ва бунда кандай хикмат борлигини бевосита билиб олиш учун бирорта ромчи (фолбин) домлага бориш фикрига тушкан эди. Юсуфбек хожининг бўлса, бундай майда (!) ишларни текшириб юриш учун фурсати хам йўк, унинг Нормухаммад күшбеги ёнидан бўшаган вакти понсад ва бекларникида кенгаш ва зиёфатлар билан тугалар эди” (ўша манба, 164-бет).

Халкнинг диндан узоклашиб, Аллоҳнинг амрларидан чекинганини, Унинг кайтарикларидан сесканмай кўйганини адаб шундай тасвиirlайди: “Халкимиз таъбирича, бу замонлар “мусулмонобод” бўлса-да, бирок бу тантаналик таъбирни бузиб кўятурган ишлар хам йўк эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халк мусулмон, бунинг устига юриш-туриш хам мусулмонча, хукмлар хам шариъатча эди. Ўгирилик килган учун кўл кесиладир ва ё дорга осиладир. Зони билан зониялар (эркак ва аёл зинокорлар) хам пештоқдан ташланадирлар, ичкулик ичкан учун кирк дарра уриладир. Раис афанди

мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текширадир, фарзи айн билмаганларни урдирадир эди. Иш шунчалик нозик бўлатуриб хам ўгрилар ўз тирикчиликлари оркасидан колмайдирлар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари оркасидан тешилиб моллари ўгирана берадир, пештоқдан копка бўгилиб ташланмок учун фохишалар хам етишиб турадирлар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар хам кўб, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани хар ким кийналмасдан сайрай олар эди. Кўб кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб кайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкулик сотиш билан тирикчилик килгучилар хам йўк эмас эдилар” (ўша манба, 170-171-бетлар).

Миллатнинг аклирасо кишилари исломий ахлоқдан чекиниш, шариатни оёкости килиш оғир окибатларга, бошга турли бало ва мусибатлар тушишига сабаб бўлиши мумкинлигини дилдан хис этишган, бундан каттик изтиробга хам тушишган. Буни хатто Юсуфбек хожи ва Отабек хам яхши тушунишган. Фикримиз далили сифатида Юсуфбек хожининг ўгли Отабекка айтган мана бу сўзларига эътибор беринг: “Ўз наслини ўз кўли билан кофир кўлига туткин килиб топширгучи – биз кўр ва аклсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар, ўглим! Боболарнинг мукаддас гавдаси мадфун (дафн килинган) Туркистонимизни тўнгузхона килишга хозирланган биз итлар Яратгучининг каҳрига албатта йўликармиз!... Гунохсиз бечораларни бўгизлаб, болаларини ятим, хоналарини вайрон килгучи золимлар куртлар ва кушлар, ердан ўсиб чикган гиёхлар каргишига нишонадир, ўглим!...” (ўша манба, 237-238-бетлар).

Колаверса, шу гаплардан бироз ўтиб, бир маъракада Юсуфбек хожининг Пайгамбаримиздан (алайхиссалом) бир хадиси шарифни келтириб, айтганларини яна бир бор ойдинлаштириши масалага анча аниклик киритади: “Яъни ул сарвари коинот марҳамат килурларким, агар бир кавмнинг иши ноахл одамга топширилган бўлса, бас, ўшал кавмнинг киёматини якин бил, яъни халокатига мунтазир бўл”. Бас, бизнинг корларимиз хам кўб фурсатлардан бери ноахл одамларнинг кўлига колиб ва хар замон ул нобакорлар бизларнинг бошимизга анвоъи кулфатларни соладирлар. Илохи кори бадлари ўз бошлари билан дафъ бўлгай” (ўша манба, 256-бет).

Хакикатан, ўша пайтлари хонлик тизимидағи деярли барча амал ва вазифалар бу ишга муносиб бўлмаган, жавоб беролмайдиган (ноахл) кишиларга топшириб кўйилгани, Юсуфбек хожи каби Аллоҳдан кўркадиган, яхши-ёмонни, халол-харомни ажратадиган кишиларнинг четга сурилгани, “эсимни таниганимдан бери амал демай, мансаб демай факат шу мусулмонлар манфаатини кўзлаб келганман” деб зорланган Юсуфбек хожиларнинг “ўзини күшбеги, мингбоши олган уч-тўртта манфаатпастлардан гўё ёш бола каби алдандим” (256-бет), дея надомат чекишлари хам миллатнинг инкирози, юрт таназзули сабабларидан биридир. Аллоҳ таоло айтади: «Одамларнинг килмишлари сабабли курукликда хам, денгизда хам офат-балолар юз беради. Бу ундан кайтишлари учун, уларга килган айрим гунохларининг (жазосини) тортириб кўйиш учундир» (Рум, 41); «(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, билингки, ўз кўлларингиз билан килган нарса – гунох сабаблидир» (Шуро, 30);

Тарихдан яхши маълумки, мусулмонлар Исломдан узоклашиб, Куръон ва суннатни унутишганда, исломий ахлоқдан чекинишганда хамиша маглубиятга юз тутишган, хўрланишган, азоб-аламларга мубтало бўлишган. Агар халк орасида фиск кучайса, ахлоқ бузилса, бу халк мутеликка, ўзгага карам бўлишга, истибод ва зулмга дучорликка махкумдир. Кудратли умавийлар ва аббосийлар халифаликларнинг инкирозга юз тутиб парчаланиб кетгани, Оврўпада гуллаб-яшнаган Андалусия салтанатининг салибчилар

томонидан тор-мор этилиб, батамом йўқ килингани, дунёнинг ярмида хукм юргизган Усмонлилар салтанатининг таназзулга юз тутгани ва ўнлаб майда, кучсиз давлатларга бўлиниб кетганининг сабаблари хам худди мана шунда!

Бу хакикатни юртимиз мисолида хам кўриш мумкин. Узок тарихимизда качон шариат топталган, ахлок бузилган, халол ва харомнинг фарки колмаган, хукмдорлар ва халк ўртасида ахиллик йўколган бўлса, бу юрт устига, халк бошига бехисоб кулфатлар, азоб-хўрликлар ёғилган. Мўгулларнинг Мовароуннахри, (колаверса дунёнинг ярмини) харобага айлантириб, миллионлаб кишиларни тигдан ўтказгани ёки кул килгани хам ана шунинг окибатидир. Македонияли Искандарнинг гуллаб-яшнаган ўлкаларни топтаб, халкни зулмга гирифтор килгани хам шундан. Янги тарихимизда русларнинг бу ўлкани салкам бир ярим аср истибод ва мустамлака исканжасида тутиб тургани хам шу туфайлидир. Аллоҳ таоло бундай дейди: «Биз качон бирон шахарни халок килишни истасак, унинг боёнларини (ўзимиз юборган пайгамбарларга итоат этишга) буюриб, улар итоатсизлик килишгач, у шахар устига Сўз (азоб тушиши) вожиб – мукаррар бўлур. Бас, Биз уни вайронага айлантирумиз» (Ал-Исро, 16).

Абдулла Кодирийнинг жасорати ва маҳорати шунда эдики, у боскинчи совет тузумининг дахрийлик сиёсати авж олиб турган ўттизинчи йилларда уларнинг кўзини “шамгалат” килиб, мазкур романида имонга, эътиқодга килинган суикасднинг нималарга олиб келишига ишора килган. Ислом дини кўрсатмаларидан чекиниш, фиск ва фожирликка томошабин бўлиб туриш, яхшиликка чакириш (амри маъруф) ва ёмонликдан кайтариш (нахий мункар) тўхтаб колганида халк бошига Парвардигорнинг оғат-балосию ва мусибатлари мукаррар келишини эслатиб, халкни огохлантиромокчи ва кўзини очмокчи бўлган. Адиб маколаларидан бирида шундай деган эди: “Ёзувчиликда бир конун бор: хаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони ифода килиш учун сўз куриш, сўзгина эмас, санъаткорона, яъни шундог сўзки, айтмокчи бўлган фикрингизнинг ифодаси учунгина маҳсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин. Мана шу шартни бажариб, бу жихатдан таъмин этилгач, бошка масалаларга ўтишга хак олган бўласан...”

Назаримизда, булардан шундай хulosи килиш мумкин: эътиқодига содик адиб мустамлакачилар тўрвасида кириб келган худосизлик мағкураси халк бошида зулм калтагини ўйнатиб турган йилларда, ўзи хам хар кадамда тазик ва таъкибга учраб турган бир пайтда фикрларини очик ёзиб ўтирмай, буни қаҳрамонларининг тутган йўли ва хатти-харакатлари оркали кўрсатмокчи бўлган. Кўпчиликнинг Исломдан чекингани, шариатга хилоф йўл тутаётгани, мусулмонлар ахлокига зид ва ёт иш-амалларни килаётгани ана шу кулфатларнинг асосий сабабчиси деб изохламокчи бўлган. Шу туфайли энг аввало бир ўзбек хонадонининг, колаверса юрт ва миллатнинг инкиrozга учраши, мустамлакачиларга ем бўлиши бежизга эмаслиганини каламга олишга жазм килган. “Бирники мингга, мингники туманга”, деганларидай айrim фосик ва фожирларнинг касри бутун миллатга уриши мумкин, демокчи бўлган... Ахир, Солих алайхиссаломнинг тусини бир киши сўйгани холда бутун кавм бошига Аллоҳнинг жазоси келган эди-ку!

Йўл-йўлакай бир-икки мулохаза: матбуот хабарларига кўра, сўнгги тўрт йил ичida Россияда йигирма битта тунги клубда (ишратхонада деб ўқийверинг) ёнгин чикиб, канчалаб ёшларнинг халокатига сабаб бўлиби. Нега айнан тунги клубларда кўпроқ ёнгин чикиши хакида бирозгина бosh котирган киши фалокатларнинг асл сабабини тушунган бўларди. Яна бир гап: Гарб кемасозлигининг фахри бўлган, техник жихатдан беками-кўст ясалган ва энг тажрибали денгизчилар бошкарган “Титаник” кемаси нега

муз тогига (айсберг) тўкнашиб кетишдан кутулиб кета олмади? Бунга хам кемада килинган зино ва бошка бузукликлар сабаб бўлмадимикин? Нима бўлганда хам ушбулардан кандай хулоса чикариш нуктадон ўкувчининг ўзига хавола!

Ахмад МУХАММАД